

Пудрат шартномаси №152083

2022 йил 04 октябрь

Термиз ш.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Сурхондарё вилоят ҳудудий филиали номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Садатов Мухиддин Алиевич бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Сарп қурувчи инвест” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи Каттаев Жўрабек иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтларлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар “Боғи шамол” МФЙ А.Навоий кўчаси 11 “а”, 18- кўп қаватли уйларнинг том қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган электрон танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 2022 йил “29” сентябрдаги №152083-сонли баённома билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда КҚС билан 233 715 000 (икки юз ўттиз уч миллион етти юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади.

- қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 4-илова 1 жадвалга мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдони зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва саклаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб **уч кун** муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 4-илова 2- жадвалга мувофиқ **бир ой давомида** пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома конун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кун**ни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30%** миқдорига, аванс ўтказида, бу **70 114 500** (етмиш миллион бир юз ўн тўрт минг беш юз) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг **50** фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган **50** фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида **45** фоизи миқдорига;

мазкур шартномада белгиланган қафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг **5** фоизигача миқдорига, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб **30 кун** мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудитори таъинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баланклик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланклик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баланкликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-усқуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полдосини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-усқуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилини олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатини ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи асосий равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун

IX. Ишларини қўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармасга ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,005 % микдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортилган сумманинг 0,01 фоизи микдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи микдорига ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилоят молия бош бошқармаси томонидан манзилли дастур бўйича уз вақтида молиялаштириш амалга оширилмаган тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни (Буюртмачи бундан мустасно) ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо

XVI. Алохида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусxada тузилади.

73. Шартнома муддати 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи

«Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқдик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» Давлат унитар корхонаси
Сурхондарё вилоят филиали
Кискартмаси: КХУМЖТ ҳамда ИТОК БИК ДУК
Сурхондарё вилоят филиали
Манзил: Термиз шаҳар Олмазор кўчаси, 17-уй
Тел: 221-08-84
Ўзб.Респ. Молия Вазирлиги ягона ғазначилиги
Ғазна Ҳ-р: **2340 2000 3001 0000 1010**
МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014
СТИР: 201122919
Ш-х-в: **4001 2186 0224 0170 6990 2110 001**
АТИБ “Ипотекабанк” Сурхондарё филиали
МФО: 00356
Ҳ-р: **2021 0000 4053 1986 2001**
СТИР: 307 914 810

Раҳбар:  М.Садатов

М.У.

Пудратчи:

“Сарп қурувчи инвест” масъулияти чекланган жамияти
Термиз шаҳар Б.Хушбоқов кўчаси 41 “а”-уй

Ҳ/Р: 2020 8000 3007 1246 6001

АТ “Капиталбанк” Термиз филиали

МФО: 01032

ИНН: 304 563 396

Раҳбар:  Каттаев Жўрабек

(имзо)

М.У.

Ҳуқуқшунос визаси: Мен, Маматқулов Жўра Раҳманович КХУМЖТ ҳамда ИТОҚБ ИК ДУК Сурхондарё вилоят ҳудудий филиалининг ҳуқуқшуноси, ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

« _____ » _____ 20 _____ йил

/  /

Маматқулов Ж.Р.

"У Т В Е Р Ж Д А Ю"

Начальник Управления жилищно коммунального обслуживания
Сурхандарьинской области
П.Тангриев
" " " 2022 г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке					
1 Наименование и местонахождение стройки	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар " Боги шамол " МФИ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш				
2 Отрасль	Ремонт кровли				
3 Инвестор					
4 Заказчик	"КХУЖТИТОКБИК" ДУК Сурхондарё вилоят филиали				
5 Разработчики					
5.1 ТЭО					
5.2 ПСД или ТД	"Хумо -мунчоктепа" хлк				
5.3 Экспертиза	«SHAHARSOZLIK HAJJATLARI EKSPERTIZASI» DAVLAT UNITAR KORXONASI				
6 Генеральный подрядчик	"Сарп курувчи инвест" МЧЖ				
7 Источник финансирования	Республиканский Бюджет				
8 Срок начала и окончания строительства	2022 г				
Основные показатели стройки:	Стоимость стр-ва по П С Д		Остаток на 01.01.2022г.		
Мощность			1 шт		
Основные фонды	248,35		248,35		
Капитальные вложения	248,35		248,35		
Строительно-монтажные работы	233,72		233,72		
Оборудование инвентарь	0,00		0,00		
Прочие работы и услуги	14,63		14,63		
Содержание службы заказчика	0,00		0,00		
Прогноз на 2019 год в соответствии с согласованным с ИМЭМ и МФ адресным списком	в договорных ценах (млн.сум)				
Мощность (в соответств.ед.изм)			1 шт		
Основные фонды	248,345				
Капитальные вложения	248,345				
Строительно-монтажные работы	233,715				
Оборудование инвентарь	0,00				
Прочие работы и услуги	14,630				
Содержание службы заказчика	0,00				
Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год (в текущих ценах,млн.сум)					
Основные показатели стройки:	В с е г о	2022 год в т.ч.по кварталам			
		I	II	III	IV
Ввод мощности	1 шт				
Основные фонды	248,345				
Капитальные вложения	248,345				248,35
Строительно-монтажные работы	233,72				233,72
Оборудование инвентарь	0,00				
Прочие работы и услуги	14,63				14,63
Содержание службы заказчика	0,00				

Заказчик:

Директора Сурхандарьинского филиала
ГУП "КХУЖТИТОКБ":

М.Саатов

04.10.2022 йилдаги № 152083 сонли
пудрат шартномага 2-сонли илова

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навой кучасидаги
11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишларини молиялаштириш
ЖАДВАЛИ

Молиялаштириш тартиби	2022 йил учун молиялаштириш												Хаммаси
	I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак			
	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	16
(15+15)=30 % хажмда бунак													
65% жорий молиялаштириш											70114,500		70114,500
5% кафолат муддати тугайдан кейин											151914,750		151914,750
Хаммаси:	0,000	0,0000	0,0000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	222029,250	11685,75	233715,000

233715

"БУЮРТМАЧИ"

"КХУМЖТ ҳақда ИТОҚБ ИК" ДУК
Сурхондарё вилояти ҳудудий филиали

Бошлиғи: М. Садатов

"ПУДРАТЧИ"

"Сард курувчи инвест" МЧЖ

Ж. Каттаев



04.10.2022 йилдаги № 152083 сонли
пудрат шартномага 1-сонли шлоба


Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навойй кучасидаги
11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишларини бажариш
ЖАДВАЛИ

№	Молиялаштириш тартиби	Бирлиги	Жами ишлар тури киймати	2022 йил учун молиялаштириш												
				I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак			
				январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Курилиш монтаж ишлари	млн. сум	233,715												222,029	11,686
	Хаммаси:		233,715	0,00	0,00	0,00	0,000	0,000	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	222,029	11,686	

"БУЮРТМАЧИ"

"КХУМЖТ ҳамда ИТОҚБ ИК" ДУК
Сурхондарё вилояти худудий филиали

Бошлиғи:  М. Садатов



"ПУДРАТЧИ"

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 152083 на приобретение Термиз шаҳар “ Боги шамол ” МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 29.09.2022

Время рассмотрения 29.09.2022 09:00

Закупочная комиссия Куп хонодонли уйларни ва иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси ДУК Сурхондарё вилояти филиалли, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TANGRIYEV PANJI KABILOVICH	Вилоят УЖКХК бошкармаси бошлиғи	Вилоят УЖКХК бошкармаси
Секретарь комиссии	XAKIMOV KAMOL OMANQULOVICH	КХУМЖТХИТОК ИК ДУК Сурхондарё филиали Молиялаштириш булими бош мутахассиси	КХУМЖТХИТОК ИК ДУК Сурхондарё филиали
Член комиссии	MURODOV ABDURASHID XOLBAYEVICH	Куп хонодонли УЖТХИТОКБИК ДУК Сурхондарё вилоят худудий филиали етакчи мутахассиси	Куп хонодонли УЖТХИТОКБИК ДУК Сурхондарё вилоят худудий филиали
Член комиссии	SADATOV MUXIDDIN ALIYEVICH	Куп хонодонли уйларни мукамал таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти обектларини куриш буйича ИК ДУК Сурхондарё филиали бошлиғи	Куп хонодонли уйларни мукамал таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти обектларини куриш буйича ИК ДУК Сурхондарё филиали
Член комиссии	ALLAMURODOV SHAVKAT OMONOVICH	Хумо Мунчоктепа ХК рахбари	Хумо Мунчоктепа ХК
Член комиссии	NORSAYEV CHORI TOJIYEVICH	Мутахассис	ЯБХ ИК

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.09.2022 года № лота 152083.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Подробное описание	Термиз ш Богишмаол МФЙ А Навоий куч. 11А ва 18 уйлар том кисмини жорий таъмирлаш ишлари лойха смета хужжатлари асосида бажарилиши лозим
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	243 452 961.00

Стартовая сумма	243 452 961.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Охирги 3 йилда ухшаш ишларни бажарганлиги, Гос акт форма 3 ва шартномалар

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда ухшаш ишларни бажарганлиги, Гос акт форма 3 ва шартномалар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	10	1	8	Экспертная		
ООО SARP QURUVCHI INVEST	10	1	8	Экспертная		

Критерий №2 Талабгор ташкилотнинг иш стажи 5 йилдан кам булмалиги керак

Тип: Бинарное значение

Описание: Гувохнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	5	1	5	Экспертная		
ООО SARP QURUVCHI INVEST	5	1	5	Экспертная		

Критерий №3 Солиқдан актсверка ва банкдан картотека 2 маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Солиқдан актсверка ва банкдан картотека 2 маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	10	1	10	Экспертная		
ООО SARP QURUVCHI INVEST	10	1	10	Экспертная		

Критерий №4 талабгор ташкилот умум курилиш рейтингда булиши керак

Тип: Бинарное значение

Описание: талабгор ташкилот умум курилиш рейтингда булиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	5	1	4	Экспертная		
OOO SARP QURUVCHI INVEST	5	1	5	Экспертная		

Критерий №5 Ишларни бажариш учун зарур техникаларнинг мавжудлиги (ижара асосида олинган булса ижара шартнома ва техпаспорт)

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишларни бажариш учун зарур техникаларнинг мавжудлиги (ижара асосида олинган булса ижара шартнома ва техпаспорт)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	10	1	8	Экспертная		
OOO SARP QURUVCHI INVEST	10	1	8	Экспертная		

Критерий №6 Ишчи ходимлар сони 10 тадан 20 тагача ягона миллий менат тизимида мавжудли

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишчи ходимлар сони 10 тадан 20 тагача ягона миллий менат тизимида мавжудли

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	15	1	13	Экспертная		
OOO SARP QURUVCHI INVEST	15	1	14	Экспертная		

Критерий №7 Объектн курганлик хакида буюртмачидан маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Объектн курганлик хакида буюртмачидан маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	5	1	5	Экспертная		
OOO SARP QURUVCHI INVEST	5	1	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Составляющая	Предлагаемая	Сумма с	Применение	Общее	Дата	Оценка
--------------	--------------	---------	------------	-------	------	--------

			конвертации (UZS)		(UZS)		(балл)
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	243 452 961.00	240 452 000.00 UZS	240 452 000.00	00.00	240 452 000.00	27.09.2022 16:13:04	19.43964
ООО SARP QURUVCHI INVEST	243 452 961.00	233 715 000.00 UZS	233 715 000.00	00.00	233 715 000.00	27.09.2022 20:27:14	20

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ	70.6664	19.43964	90.10604
ООО SARP QURUVCHI INVEST	73.3336	20	93.3336

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 152083 от 29.09.2022 года на приобретение Термиз сахар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш определила победителем:

ООО SARP QURUVCHI INVEST
304563396

и резервный исполнитель: AGRO-TRANS SURXON MMTP MCHJ (304313398)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	TANGRIYEV PANJI KABILOVICH	Согласен	
Член комиссии	MURODOV ABDURASHID XOLBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SADATOV MUXIDDIN ALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ALLAMURODOV SHAVKAT OMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	NORSAYEV CHORI TOJIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri, Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH

Sana: 03-08-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 53662

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Termiz shahar "Bog'i Shamol" MFY A.Navoiy ko'chasidagi 11A va 18 uylar tomini mukammal ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha.»

Buyurtmachi - "KXUITOQBIK" DUK Surxondaryo viloyati filiali

Bosh loyihachi - «Xumo-Munchoqtepa» XK

Litsenziya №AL-000921 sonli 20.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan.

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Erkin tanlov savdolarida aniqlanadi

Qurilish turi Mukammal ta'mirlash

Murojaat raqami: № 51480

1. Loyihalash uchun asos

1.2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5152 sonli Qarori.

1.2. Buyurtmachi tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyixalash topshirig'i.

1.3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonli ishlar dalolatnomasi.

1.4. Buyurtmachi tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallar narxlarini kelishish to'g'risidagi bayonnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

1. Smeta xujjatlari,
2. Ishchi chizmalar,
3. Nuqsonli ishlar dalolatnomasi.
4. Qurilishni tashkillashtirish loyixasi.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Taqdim etilgan ishchi loyixa bo'yicha, Termiz shahar "Bog'i Shamol" MFY A.Navoiy ko'chasidagi 11A va 18 uylar tomini mukammal ta'mirlash ishlari rejalashtirilgan.

Bajarilishi kerak bo'lgan ish xajmlari buyurtmachi va loyixachi ishtirokida xolati ko'zdan kechirilib, nuqsonli ishlar dalolatnomasi tuzilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan va quyidagi ishlarni bajarilishi

inobatga olingan:

- 11A uyning tom qismi profnastil qoplamasini almashtirish, karnizini tunikafon qoplamasi bilan qoplash, bino fasadini qo'l kuchi yordamida tozalash va quriq qorishma bilan tekislash hamda fasad bo'yog'i bilan bo'yash, 18-uyning tom profnastil qoplamasini almashtirish va karnizini tunikafon qoplamasi bilan qoplash ishlar ko'zda tutilgan.

3.1. Mukammal ta'mirlash ishlarning davomiylik muddati

QTL taqvimiy jadvaliga ko'ra mukammal ta'mirlash davomiylik muddati 1 oyni tashkil qiladi, shundan 5 kun muddat tayyorgarlik ishlariga.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertizadan o'tkazish jarayonida lokal ekspert xulosalar bo'yicha aniqlangan kamchiliklar va takliflar asosida loyixachi tomonidan ishchi loyixaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritildi:

- lokal resurs me'yorlarining elementlari aniqlashtirilib, tuzatishlar kiritildi.
- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transport harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narxlar bayonnomasi bo'yicha to'g'irlandi.

6.2. Mukammal ta'mirlash narxi sarxisobi

Taqdim etilgan loyixani mukammal ta'mirlash qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan **258197,928ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **9875,907ming so'm** miqdorida kamayib **248322,021ming so'm** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jumladan:

- QMI-211698,227ming so'm,
- QQS-31754,734ming so'm,
- Buyurtmachining boshqa xarajatlari-4869,059ming so'm.

Ushbu mukammal ta'mirlash ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonli ishlar dalolatnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonli ishlar dalolatnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyliги va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

6.3. Buyurtmachi va bosh loyihachi mukammal ta'mirlash boshlanishidan oldin,

- buyurtmachining boshqa harajatlari miqdorini 4.01.16-09 sonli ShNQ talablariga asosan asosan aniqlashi shart;

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021-yil 17-sentabrdagi 579 sonli qarorining 7 ilovasiga muvofiq:

- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchiligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

A.Navoiy ko'chasiidagi 11A va 18 uylar tomini mukammal ta'mirlash ishchi loyihasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.03 yildagi 261 sonli qaroriga va ShNK04.01.16-09 asosan tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

Bosh mutaxassis: Rashidov Shuxrat Qayumovich

" Т А С Д И Қ Л А Й М А Н "

"Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сурхондарё вилоят ҳудудий филиал

бошлиғи **М.Садатов**

"04" октябрь 2022 йил



Сурхондар вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш томини таъмирлаш.

БАЁНИ № _____

"04" октябрь 2022 йил

Раис:

Комиссия аъзолари:

Термиз шаҳри

М.Садатов

Ч.Норсаев

Ё.Ҳақимов

А.Муродов

К.Ҳақимов

Кун тартибидаги масала:

1. Сурхондар вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишлари учун ташкилотларни танлаб олиш мақсадида танлов утказиш ҳақида

Эшитилди: Ушбу масала бўйича "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сурхондарё вилоят ҳудудий филиал бошлиғи М.Садатов сўз олди. У ўз сўзида Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишлари ахборот порталига энг яхши таклифларни танлаш учун Лот 152083 билан эълон жойлаштирилиб эълон муддати 29,09,2022 йил тугади ва 29,09,2022 йил "Сарп Курувчи Инвест" МЧЖ 233 715 000 сум билан голиб булган электрон протокол шаклланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тугрисида"ги №684 сонли қонунга асосан ушбу протокол 2 иш кунли муҳомада турди ва шу даврда ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлигини иноботга олиб пудратчи танлаб олиш мақсадида ички танлов утказиш зарурлигини айтиб утди.

Шу сабабли танлов утказилиши лозимлигини таъкидлади.

Сурхондар вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тугрисида"ги №684 сонли қонунга асосан ушбу протокол 2 иш кунли муҳомада турди ва шу даврда ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлигини иноботга олиб пудратчи танлаб олиш мақсадида танлов асосида бўлаётганлиги сабабли "Сарп Курувчи Инвест" МЧЖ маълумотлари олиниб икки кун муҳомада қилиниб нархлар қуриб чиқилди. Шундан сунг ушбу хизматларни "Сарп Курувчи Инвест" МЧЖнинг нархлари арзон ва сифатлиги аниқланди. Комиссия раиси М.Садатов суз олиб ҳам арзон Сурхондар вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишлари ҳам сифатли "Сарп Курувчи Инвест" МЧЖ билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқлигини айтиб утди.

Йиғилиш катнашчилари узаро келишиб

КАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сурхондар вилояти Термиз шаҳар "Боги шамол" МФЙ А.Навоий кучасидаги 11А ва 18 уйлар томини таъмирлаш ишлари учун "Сарп Курувчи Инвест" МЧЖ билан шартнома тузилиб туловлар амалга оширилсин.
2. Мазкур топшириқни бажариш бош ҳисобчи Ё.Ҳақимов зиммасига юклатилсин

Раис:

Комиссия аъзолари:

М.Садатов

Ч.Норсаев

Ё.Ҳақимов

А.Муродов

К.Ҳақимов